



Кўчирма

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 29 » iyul

№ 412

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқувчиларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 16 февралдаги ПФ–21-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ўқувчиларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **иловага** мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

болалар соғломлаштириш оромгоҳларида болалар учун замонавий тўғарак йўналишларини ташкил этиш;

ўқувчиларнинг рақамли технологияларга, жумладан ўйинлар яратиш ва анимация соҳасига бўлган қизиқишларини ошириш.

2. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой** муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 29 ” июлдаги 412-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 февралдаги 84-сон қарори билан тасдиқланган Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепциясининг 8-бандида:

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“IT оромгоҳлари. Бундай оромгоҳлар ахборот технологияларига қизиқиши юқори бўлган 10 – 14 ёшгача болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун йўналтирилиб, унда математика ва информатика фанлари чуқурлаштирилган тарзда ўргатилади.

“Маданий мулоқот ва бағрикенглик” ёшлар оромгоҳлари. Бундай оромгоҳлар ёш авлодда бошқа маданият ва анъаналарга нисбатан ҳурмат ва очиқ муносабатни шакллантиришга хизмат қилади, турли миллат вакилларига мансуб фаол ва билимдон ёшларнинг ёзги болалар лагерларида биргаликда дам олиши, жамоавий фаолиятларда иштирок этиши ҳамда ўзаро тажриба алмашиши учун шарт-шароит яратилади”;

тўққизинчи хатбоши ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Келажак” марказлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 10 декабрдаги 776-сон қарорида:

а) қуйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

“8¹. Ҳар бир ҳудудда биттадан “Келажак” марказларида ўйинлар яратиш ва анимация соҳасида тўгараклар фаолияти йўлга қўйилсин. Бунда тўгарак хоналарини жиҳозлаш “Келажак” марказларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади”;

б) 1-илованинг 7-бандида:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ёшларни сунъий интеллект, рақамли технологиялар ва креатив индустрияга қизиқишини уйғотиш, ўйинлар яратиш ва анимация соҳасида тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш”;

олтинчи – ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича еттинчи – ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

